

1 – масала

“2013-2014 ўқув йили бўйича институт профессор-ўқитувчиларининг рейтинг балларини тасдиқлаш ва ойлик маошларига табақалаштирилган устама ҳақларини белгилаш ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 8 ноябр 2/2 сонли қарори

Илмий кенгаш **“2013-2014 ўқув йили бўйича институт профессор-ўқитувчиларининг рейтинг балларини тасдиқлаш ва ойлик маошларига табақалаштирилган устама ҳақларини белгилаш ҳақида”ги масала юзасидан комиссия раиси Қ.Ю.Абдуллаевнинг маърузасини тинглаб, муҳокама этиб, қуйидагиларни таъкидлайди.**

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 13 августдаги 247-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг базавий лавозим маошларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги буйруғи ва институт ректорининг жорий йилнинг 6 июльдаги 206-У-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда институт ва факультетларда тузилган ишчи гуруҳларнинг хулосалари асосида институт профессор-ўқитувчиларнинг 2013-2014 ўқув йилида бажарган ишларини натижасига кўра 2014-2015 ўқув йилида қуйидаги профессор-ўқитувчиларга **юқори тоифа** 2014 йил 1 ноябрдан берилиши белгиланган:

1-жадвал

Шунингдек, институт профессор-ўқитувчиларнинг 2013-2014 ўқув йилида бажарган ишларини натижасига кўра 2014-2015 ўқув йилида профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларига қуйидагича табақалаштирилган **устама ҳақлари** 2014 йил 1 ноябрдан берилиши белгиланган.

2-жадвал

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади

1. “2013-2014 ўқув йили бўйича институт профессор-ўқитувчиларининг рейтинг балларини тасдиқлаш ва ойлик маошларига табақалаштирилган устама ҳақларини белгилаш ҳақида”ги масала юзасидан комиссия раиси **Қ.Ю.Абдуллаев**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. 2014 йил 2 ноябрдан институт профессор-ўқитувчиларнинг 2013-2014 ўқув йилида бажарган ишларини натижасига кўра 2014-2015 ўқув йилида 1-жадвалда кўрсатилган профессор-ўқитувчиларга **юқори тоифа** берилсин. **Маъсуллар:** Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов** ва комиссия раиси **Қ.Ю.Абдуллаев**
3. 2014 йил 2 ноябрдан институт профессор-ўқитувчиларнинг 2013-2014 ўқув йилида бажарган ишларини натижасига кўра 2014-2015 ўқув йилида профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларига 2-жадвалда кўрсатилганидек табақалаштирилган **устама ҳақлари** белгилансин. **Маъсуллар:** Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов** ва комиссия раиси **Қ.Ю.Абдуллаев**.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

2 – масала

“Давлат илмий-техника дастурлари бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2014 йил 8 ноябр 1/2-сонли қарори

“Давлат илмий-техника дастурлари бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков**нинг ҳисоботини тинглаб, ҳамда муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Институтда илмий тадқиқотлар **4 йўналишда** олиб борилмоқда. Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги илмий-тадқиқот ишлари институтда Ўзбекистон Республикаси илмий-техник ривожланишининг нуфузли ИТД-14 (*Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш*) йўналишига кирувчи, Давлат илмий – техник дастурлари бўйича **2 та** мавзу асосида, 2012-2014 йилларга мўлжалланган амалий илмий – тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Давлат илмий – техник дастурлари бўйича умумий маблағ 2014 йил учун **101,8 млн** сўмни ташкил этади. ИТДларда штатлар жадвалига асосан **18 нафар** профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва иқтидорли талабалар иштирок этишмоқдалар. Лойиҳа раҳбарлари ва ижрочилар томонида давлат илмий-техник дастурлари бўйича режа асосида бажарилган ишлар бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботлар тайёрланиб Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этиб келинмоқда.

2014 йилда институтимиз профессор-ўқитувчиларимиз томонидан Фан ва технологиялар тараққиётининг 2012-2020 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари бўйича, 2015-2017 йилларда бажариладиган Давлат илмий-техника дастури режасига мувофиқ амалий ва инновацион лойиҳалар танловига **8 та** илмий лойиҳалар тайёрланиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига топширилди. Ҳозирда ушбу лойиҳалар экспертиза жараёнидан ўтказилмоқда.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Давлат илмий-техника дастурлари бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков**нинг маърузаси ахборот ва маълумот учун қабул қилинсин.
2. Институтда давлат илмий–техник дастурлари лойиҳалар танловларида иштирок этишни янада кучайтириш чоралари кўрилсин. **Маъсуллар:** ИваИПКТБ бошлиғи У.Хушвақтов ва кафедра мудирлари. **Муддати:** Доимий
3. ИТД-14-12 “Катта оралиқли тежамкор фазовий ва қобиқ конструкцияларда қўлланилган ноёб зилзилабардош бинолар ва иншоотлар конструктив ечимларини яратиш” мавзусидаги ҳамда ИТД-14-18 “Ўзбекистон шароитида қишлоқ ландшафтлари архитектураси ва дизайнини яратишнинг самарали йўналишларини шакллантириш” мавзусидаги давлат илмий–техник дастурлари бўйича тайёрланган якуний ҳисоботлари тасдиқлансин.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини наозрат қилиш илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков** зиммасига юклатилсин.



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

Ҳар хил масалалар.

Кун тартибидаги ҳар хил масалалар бўйича сўз илмий котиб **Р.Т.Эшмаматовга** берилди.

I. Иқтидорли талабалар орасидан номдор стипендияларга номзодларни тавсия этиш тўғрисида.

Эшитилди:

Мазкур масала юзасидан Институт илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги **У.А.Хушвақтовнинг** ахбороти тингланди ва СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2008 йил 31-октябрдаги 3-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланган **“Институтнинг биринчи ректори Р.Р.Абдурасулев номли стипендия ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида”**ги Низомга мувофиқ ҳар бир факультетга биттадан квота(ўрин) ажратилганлиги тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу Низомга биноан институтнинг биринчи ректори Р.Р.Абдурасулев номли стипендиясига 2014-2015 ўқув йили учун қуйидаги **тўрт нафар** талабанинг номзоди ўқиб эшиттирилди:

1. “Архитектура” факультетидан “Архитектура” таълим йўналиши 301–Архитектура гуруҳ талабаси **Сидиков Илхом Камолиддин ўғли**;
2. “Қурилиш” факультетидан “Касбий таълим (Бино ва иншоотлар қурилиши)” таълим йўналиш 401-КТ(БваИҚ) гуруҳ талабаси **Одинаева Сарвиноз Қувоновна**;
3. “Қурилишни бошқариш” факультетидан “Менежмент” таълим йўналиши, 401-Менежмент гуруҳ талабаси **Кулдашева Зебо Холжигитовна**;
4. “Мухандислик коммуникациялари қурилиши” факультетидан “Касбий таълим (Мухандислик коммуникациялари қурилиши)” таълим йўналиши 401–КТ(МКҚ) гуруҳ талабаси **Жураева Наргиза Шукруллаевна**.

Ушбу масала бўйича факультет деканлари сўзга чиқиб, номзодлар тўғрисида ижобий фикрлар билдиришди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2008 йил 31 октябрдаги 3-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланган **“Институтнинг биринчи ректори Р.Р.Абдурасулев номли стипендия ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида”**ги Низомга мувофиқ 2014-2015 ўқув йили учун ушбу стипендияга қуйидаги **тўрт нафар** талабанинг номзоди тасдиқлансин:

1. “Архитектура” факультетидан “Архитектура” таълим йўналиши 301–Архитектура гуруҳ талабаси **Сидиков Илхом Камолиддин ўғли**;
2. “Қурилиш” факультетидан “Касбий таълим (Бино ва иншоотлар қурилиши)” таълим йўналиш 401-КТ(БваИҚ) гуруҳ талабаси **Одинаева Сарвиноз Қувоновна**;
3. “Қурилишни бошқариш” факультетидан “Менежмент” таълим йўналиши, 401-Менежмент гуруҳ талабаси **Кулдашева Зебо Холжигитовна**;
4. “Мухандислик коммуникациялари қурилиши” факультетидан “Касбий таълим (Мухандислик коммуникациялари қурилиши)” таълим йўналиши 401–КТ(МКҚ) гуруҳ талабаси **Жураева Наргиза Шукруллаевна**.

Эшитилди:

Мазкур масала юзасидан Институт илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги **У.А.Хушвақтовнинг** ахбороти тингланди ва СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2009 йил 25 декабрдаги 5-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланган **“Академик Т.Ш.Ширинқулов номли стипендия ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида”**ги Низомга мувофиқ ҳар бир факультетга биттадан квота(ўрин) ажратилганлиги тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу Низомга биноан **академик Т.Ш.Ширинқулов** номли стипендияга 2014-2015 ўқув йили учун қуйидаги **тўрт нафар** талабанинг номзоди ўқиб эшиттирилди:

1. “Архитектура” факультетидан “Архитектура” таълим йўналиши 401-Архитектура гуруҳи талабаси **Якубова Ҳилола Бахтияровна**;
2. “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” факультетидан “Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши 402–ГКК гуруҳи талабаси **Нормўминов Шохруҳ Норқобилович**;
3. “Қурилишни бошқариш” факультетидан “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” таълим йўналиши 302–ШҚваХ гуруҳи талабаси **Амонов Райимжон Махмуджонович**;
4. “Қурилиш” факультетидан “Касбий таълим (Био ва иншоотлар қурилиши)” таълим йўналиши 401–КТ(Б ва ИҚ) талабаси **Ҳайдарова Камола Ҳакимовна**.

Ушбу масала буйича факультет деканлари сўзга чиқиб, номзодлар тўғрисида ижобий фикрлар билдиришди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2009 йил 25 декабрдаги 5-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланган “**Академик Т.Ш.Ширинқулов** номли стипендия **ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида**”ги Низомга мувофиқ 2014-2015 ўқув йили учун ушбу стипендияга қуйидаги **тўрт нафар** талабанинг номзоди тасдиқлансин:

1. “Архитектура” факультетидан “Архитектура” таълим йўналиши 401-Архитектура гуруҳи талабаси **Якубова Ҳилола Бахтияровна**;
2. “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” факультетидан “Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши 402–ГКК гуруҳи талабаси **Нормўминов Шохруҳ Норқобилович**;
3. “Қурилишни бошқариш” факультетидан “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” таълим йўналиши 302–ШҚваХ гуруҳи талабаси **Амонов Райимжон Махмуджонович**;
4. “Қурилиш” факультетидан “Касбий таълим (Био ва иншоотлар қурилиши)” таълим йўналиши 401–КТ(Б ва ИҚ) талабаси **Ҳайдарова Камола Ҳакимовна**.

II. Маъруза ўқиш учун рухсат бериш тўғрисида.

Эшитилди:

“Социология ва иқтисодиёт назарияси” кафедрасида илмий даража ва унвонли профессор-ўқитувчиларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2014-2015 ўқув йилида кафедра ўқитувчиларидан **Ш.Назарбердиев** ва **Ҳ.Ҳайдароваларга 50 (эллик)** соатгача маъруза ўқишлари учун рухсат бериш тўғрисида Илмий кенгаш қотиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Социология ва иқтисодиёт назарияси” кафедрасида илмий даража ва унвонли профессор-ўқитувчиларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2014-2015 ўқув йилида кафедра ўқитувчиларидан **Ш.Назарбердиев** ва **Ҳ.Ҳайдароваларга 50 (эллик)** соатгача маъруза ўқишлари учун рухсат берилсин.

Эшитилди:

“Фалсафа” кафедрасида илмий даража ва унвонли профессор-ўқитувчиларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2014-2015 ўқув йилида кафедра ўқитувчиларидан **Х.Х.Хўжамов**, **Қ.Х.Мамарахимов**, **Н.Қ.Ҳаққулов** ва **Л.Э.Турсуновларга 50 (эллик)** соатгача маъруза ўқишлари учун рухсат бериш тўғрисида Илмий кенгаш қотиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Фалсафа” кафедрасида илмий даража ва унвонли профессор-ўқитувчиларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2014-2015 ўқув йилида кафедра ўқитувчиларидан **Х.Х.Хўжамов**, **Қ.Х.Мамарахимов**, **Н.Қ.Ҳаққулов** ва **Л.Э.Турсуновларга 50 (эллик)** соатгача маъруза ўқишлари учун рухсат берилсин.

III. Монографияни чоп этишга тавсия бериш тўғрисида.

Эшитилди:

“Социология ва иқтисодиёт назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси **А.Т.Қўлдошев** томонидан яратилган **“Марказий Осиё давлатларида экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришнинг демократик ва гуманистик тамойиллари”** номли илмий монографиясини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Социология ва иқтисодиёт назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси **А.Т.Қўлдошев** томонидан яратилган **“Марказий Осиё давлатларида экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришнинг демократик ва гуманистик тамойиллари”** номли илмий монографияси чоп этишга тавсия берилсин.

IV. Ўқув қўлланмани чоп этишга тавсия бериш тўғрисида.

Эшитилди:

“Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Д.О.Жўрақулов**, катта ўқитувчи **И.Пирназаров**, ассистентлар **В.Ниязов** ва **О.Ўроқовлар** томонидан яратилган **“Кадастр хизматидаги геодезик ишлар”** номли ўқув қўлланмасини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Д.О.Жўрақулов**, катта ўқитувчи **И.Пирназаров**, ассистентлар **В.Ниязов** ва **О.Ўроқовлар** томонидан яратилган **“Кадастр хизматидаги геодезик ишлар”** номли ўқув қўлланмаси чоп этишга тавсия берилсин.

V. Низомни тасдиқлаш тўғрисида.

Эшитилди:

Институт Халқаро алоқалар бўлими Кенгашининг тўлдирилган ва қайта таҳрир қилинган **Низомини** тасдиқлаш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу Низом институтнинг ҳуқуқшунос-маслаҳатчисининг назоратидан ўтган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

Институт Халқаро алоқалар бўлими Кенгашининг тўлдирилган ва қайта таҳрир қилинган **Низомини** тасдиқлансин.

VI. Талабалар турар жойи учун тўлов пулларининг миқдори ҳақида.

Эшитилди:

Институтнинг талабалар турар жойида яшовчилар учун тўлов пуллари талабалар ва магистрантларга бир ойлик тўлов **27.000 (йигирма етти минг) сўм**, Малака ошириш учун келган тингловчиларга бир ойлик тўлов **90.000 (тўқсон минг) сўм**, меҳмонларга бир кунлик тўлов **10.000 (ўн минг) сўм** ва бошқа ОТМларидан амалиёт ўташ учун келган талабалар ҳамда уларнинг раҳбарларига бир кунлик тўлов **5.000 (беш минг) сўм** этиб белгилаш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу масала бўйича Илмий кенгаш аъзолари сўзга чиқиб, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Талабалар ва магистрантлар учун Талабалар турар жойида яшаш муддати **9 (тўққиз) ой** яъни **сентябр, ноябр - июн** этиб белгилансин.
2. Талабалар ва магистрантларга институтнинг талабалар турар жойида яшашлари учун тўланадиган бир ойлик тўлов миқдори 2014 йилнинг 1 сентябридан **27.000 (йигирма етти минг) сўм** этиб белгилансин.

3. Академик лицей ва касб ҳунар коллежларидан малака оширишга келган тингловчиларга талабалар турар жойида яшашлари учун тўланадиган бир ойлик тўлов миқдори 2014 йилнинг 1 сентябридан **90.000 (тўқсон минг) сўм** этиб белгилансин;
4. Меҳмонларга институтнинг талабалар турар жойида яшашлари учун тўланадиган бир кунлик тўлов миқдори 2014 йилнинг 1 сентябридан **10.000 (ўн минг) сўм** этиб белгилансин;
5. Бошқа ОТМларидан амалиёт ўташ учун келган талабалар ва уларнинг раҳбарларига институтнинг талабалар турар жойида яшашлари учун тўланадиган бир кунлик тўлов миқдори 2014 йилнинг 1 сентябридан **5.000 (беш минг) сўм** этиб белгилансин.

VI. Кафедранинг илмий-тадқиқот мавзусини тасдиқлаш тўғрисида.

Эшитилди:

“Дизайн” кафедраси мудири **Ш.Х.Тугизов**нинг 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб беш ўқув йили давомида кафедрада куннинг иккинчи ярми ҳисобидан бажариладиган **“Ландшафт ва интерьер дизайннинг замонавий муаммолари”** ва **“Лойиҳалаш ва таълим тизимида замонавий технологияларини қўллаш услубияти муаммолари”** номли илмий-тадқиқот мавзуларини тасдиқлаш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Ушбу илмий-тадқиқот мавзуси институтнинг илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими билан келишилган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Дизайн” кафедраси мудири **Ш.Х.Тугизов**нинг 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб беш ўқув йили давомида кафедрада куннинг иккинчи ярми ҳисобидан бажариладиган **“Ландшафт ва интерьер дизайннинг замонавий муаммолари”** ва **“Лойиҳалаш ва таълим тизимида замонавий технологияларини қўллаш услубияти муаммолари”** номли илмий-тадқиқот мавзулари тасдиқлансин:

VII. Ўқув адабиётларни чоп этишга тавсия қилиш ҳақида.

Эшитилди:

Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов** сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Д.О.Жўракулов**, катта ўқитувчи **И.Пирназаров**, ассистентлар **В.Ниязов** ва **О.Ўроқов**лар томонидан **“Кадастр хизматидаги геодезик ишлар”** фани бўйича тайёрланган **“Кадастр хизматидаги геодезик ишлар”** номли ўқув қўлланмаси 5311500 – “Геодезия, картография ва кадастр” бакалавриат таълим йўналиши талабалари ва 5А311502 – “Геодезия ва картография” ҳамда 5А311503 – “Био ва иншоотлар кадастри” мутахассисликлари магистрантлари учун мўлжалланганлигини гапириб, ўқув қўлланмага Самарқанд вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати ДУК бошлиғи в.б. **Б.Ю.Нишанов** ҳамда “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси профессори, т.ф.д. **А.С.Суюнов** томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништирди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 5311500 – “Геодезия, картография ва кадастр” бакалавриат таълим йўналиши талабалари ва 5А311502 – “Геодезия ва картография” ҳамда 5А311503 – “Био ва иншоотлар кадастри” мутахассисликлари магистрантлари фойдаланишлари ҳамда аynи вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукамаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз) нусхада** нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Д.О.Жўракулов**, катта ўқитувчи **И.Пирназаров**, ассистентлар **В.Ниязов** ва **О.Ўроқов**лар томонидан **“Кадастр хизматидаги геодезик ишлар”** фани бўйича тайёрланган **“Кадастр хизматидаги геодезик**

ишлар” номли ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 5311500 – “Геодезия, картография ва кадастр” бакалавриат таълим йўналиши талабалари ва 5А311502 – “Геодезия ва картография” ҳамда 5А311503 – “Био ва иншоотлар кадастри” мутахассисликлари магистрантлари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансин.

2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Д.О.Жўракулов**, катта ўқитувчи **И.Пирназаров**, ассистентлар **В.Ниязов** ва **О.Ўроқов**лар томонидан тайёрланган **“Кадастр хизматидаги геодезик ишлар”** номли ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги олий ўқув юртлари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз) нусхада** нашрга тавсия этилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов